

ОЛИМПИЗМ ВА МАДАНИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Т.Турғунов

ЎзДЖТСУ катта ўқитувчи

Г.Юсупова

ЎзДЖТСУ 2-босқич талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада олимпизм ғоясининг шаклланиши ғаяларининг шаклланиш тарихи, ривожланиш босқичлари ва бугунги кундаги спортни ривожлантиришдаги аҳамияти тарихий жараёнларда илмий таҳдид этилган. Бундан ташқари олимпизм ғояларининг инсоният маданий тараққиётида тутган ўрни очиқ берилган.

Калит сўзлар: Олимпизм, спорт, олимпия ўйинлари, жисмоний маданият, маданият, маънавият, жисмоний камолот.

АННОТАЦИЯ

В данной статье история становления представлений об олимпизме, этапы развития и значение развития спорта сегодня подвергается научной угрозе в исторических процессах. Кроме того, раскрывается место идей олимпизма в культурном развитии человечества.

Ключевые слова: Олимпизм, спорт, олимпийские игры, физическая культура, культура, духовность, физическое развитие.

ABSTRACT

In this article, the history of the formation of ideas about Olympism, the stages of development and the significance of the development of sports today is exposed to a scientific threat in historical processes. In addition, the place of the ideas of Olympism in the cultural development of mankind is revealed.

Key words: Olympism, sport, Olympic Games, physical culture, culture, spirituality, physical development.

Биз яшаётган XXI асрда илм-фан, интеллектуал салоҳият тараққиёт мезонига айланиб, тобора юксак босқичга чиқмоқда. Мамлакатимизда истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ эрта миз эгалари ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва

манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдодини рўёбга чиқариш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш каби эзгу мақсадларга давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, гўзал диёримиз ўғил-қизларига дунёдаги илғор мамлакат ёшлари билан олимпия ўйинларида беллаша олишлари учун илм-фан, спорт, санъат соҳасида каби эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Том маънода ҳар томонлама — ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи ҳукуматимиз учун умуммиллий масалага айланиб улгурди. Олимпизм узоқ асрлар мобайнидаги инсониятнинг тарихий тараққиёти давомидаги жисмоний ва маънавий баркамолликка бўлган интилишларнинг уйғунлашган олий кўринишидир. Сукрот, Арасту, Пифогор, Демокрит каби буюк файласуфлар шунинг учун ҳам ушбу мусобақаларда бевосита иштирок этганлар. Олимпия ўйинлари маълум бир даврларда таъқиқлаб қўйилган, натижада бироз унутилган бўлишига қарамасдан 1894 йил 23 июн Парижда Пьер де Кубертен ташаббуси билан ҳалқаро спорт конгресси чақирилди. Конгресс қарорига биноан 1896 йилда I-Олимпия ўйинлари Афинада ўтказилди.

Шундай қилиб Олимпизмга қайта асос солинди. Олимпизм ғоялари фанга машҳур француз педагоги Пьер де Кубертен томонидан киритилган бўлсада, Олимпия ўйинлари ўтмиш даврлардаёқ қадимги Грециянинг бир қатор катта шаҳарларида ўтказиладиган турли-туман спорт мусобақаларида ўзининг жозибаси, хилма-хил спорт турлари билан машҳур бўлган. Эндиликда, ҳар тўрт йилда бир маротаба ўтказилаётган олимпия ўйинларининг ташкил этилиши асосини ҳам эрамиздан аввал вужудга келган ўша ўйинлар ташкил этади.

Олимпиада ўйинларининг дастлабки давридан бошлаб, олимпизм юксак инсоний, ахлоқий ғоялар билан суғорилган. Олимпизм ўзига хос чинакам ахлоқий қобик бўлиб, юксак инсоний қадриятларни ўзида жамлаган.

Биринчи президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “ўзининг тарбиявий аҳамияти байрам маросимлари санъати билан вужудга келган, обру-эътибори, буюк артистлар, олимлар, файласуфлар ва шоирлар ўз хиссасини қўшган алоҳида муҳит ҳамда спортга умумбашарий маданиятнинг умумий қисми деб қарашга имкон берадиган гўзал рамз бўлмаса, бўларсиз олимпия ҳаракати, олимпия ўйинларининг ўзи ҳам ҳозиргидек ривожланмаган бўларди”.

Олимпия ўйинлари пайтида кудрат, жасорат, мардлик каби ноёб ва бебаҳо инсон фазилатларининг намоён этилиши бутун жаҳон халқлари учун бир хилда қадрлидир. Олимпизмнинг асосий мақсади-ҳалол рақобат, мардона беллашув ва чин дўстлик ғоясидир. Дастлабки Олимпиада мусобақалариданоқ қамоқ муддатини ўтаган ёки ўтаётган ҳулқи жамият томонидан салбий деб баҳоланган қилмишлари жамият томонидан кечирилмаган кишиларни мусобақаларга

иштирок этишларига рухсат этилмаган. Олимпия мусобақалари даврида ҳар қандай зўравонликларга барҳам берилган. Турли урушлар маълум бир вақтга тўхтатиб турилган. Мусобақа қонун-қоидаларини бузиш, ҳакамлар билан баҳслашиш, уларнинг иш жараёнига ҳалал бериш, уларни сотиб олиш, мусобақада таъқиқланган усуллардан фойдаланиб ғалаба қозониш ёки олдиндан келишиб олган ҳолда ютқазиб бериш каби ҳолатлар аниқланса, мусобақа дарҳол тўхтатилган ва иштирокчи ва унинг хомийларига жарима солинган ёки қамчи билан уриш орқали қатнашчи жазоланган. Рим императори Нерон олимпия ўйинлари ғолиби бўлишни истаб, нопок йўлни танлаганини эрамиздан олдинги 67 йилда олимпия ўйинларини муддатидан икки йил олдин ўтказиб, унда ўнта от қўшилган аравада ёлғиз ўзи иштирок этиб ғалаба қозонганини ва ўзини чемпион деб эълон қилганини яхши биламиз. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек олимпизмни асосий ғояси хоққоний рақобат, мардона беллашув бўлганлиги учун император ўлиmidан кейин бу олимпиада ҳам ғалаба ҳам чемпионлик ҳам бекор қилинган. Спортчи томонидан амалга оширилган бундай ҳолатлар шармисорлик, ўз миллатига нисбатан ҳақорат деб ҳисобланган. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, спортчилар ўйинлардан олдин, ўйинлар давомида, ўйинлардан кейин ўзларини юксак маънавиятли, тартиб-интизомли тутганлар.

Олимпизм пайдо бўлганидан бугунги кунгача ўз ичига уч даврни қамраб олган. 1. Антик давр. 2. Кубертеноз давр. 3. Ҳозирги замон даври

“Антик давр олимпия ўйинларида спортчилар спорт соҳасида курашишлари билан биргаликда хайкалтарошлар, рассомлар, муסיқачилар ҳам беллашар эдилар. Бу ҳолатдан антик даврданоқ олимпизм ғояларида жисмоний ва маънавий уйғунлик бирлигини, спорт орқали комил инсонни тарбиялаш, жамият ҳаётига инсонпарварлик эзгу-ғояларини синдириш фалсафаси тушунилади”[1]

Кубертеноз даври бу олимпия ҳаракатининг қайта туғилиши билан боғлиқ бўлиб, ҳозирги замон олимпия ҳаракатига замин яратди.

Ҳозирги пайтда Олимпия ҳаракатининг байроғи, эмблемаси ва шиори мавжуд. 1993 йил Ҳалқаро Олимпия Комитети томонидан Ўзбекистон Миллий Олимпия комитетининг тўлиқ тан олинishi мамлакатимиз маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ўзбекистон Миллий Олимпия комитети таркибига Олимпия клублари, спорт турлари бўйича республика федерациялари, Олимпия Академиялари ва қатор жамоат жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари киради.

Олимпизм ҳоялари асосида соғлом ҳаёт тарзини йўлга қўйган ўз тана аъзоларини жисмоний машқлар билан чиниктирган ва ривожлантирган кишилар жуда кам касал бўлишлари, спорт туфайли айрим касалликлардан халос бўлишлари, аксарият касалликлар юзини кўрмасликларига кўплаб мисоллар

келтириш мумкин. Буюк бобомиз Ибн Сино айтганларидек, жисмоний машқлар билан оқилона шуғулланган киши дори-дармонга ҳам, табибга ҳам эҳтиёж сезмайди. Спорт дунёси кучли, мақсадга интилувчан, ҳаётдан қувонч оладиган инсонларни яратади. Бунинг ҳаммаси кишига танлаган касбида муваффақиятга эришишга, узоқ ва муваффақиятли ҳаёт кечириш, касалликлардан узоқ бўлишга, ҳар доим тетик ва атрофдагилар учун жозибали бўлишга ёрдам беради. Бизнинг олимпиячиларимиз ана шундай хусусиятларга эгадирлар. Олимпизм инсонни баркамол этиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга. У инсониятнинг таълим-тарбия, ахлоқ, санъат, техник прогресс, халқлар ўртасидаги дўстлик, барқарорлик, соғлом турмуш тарзини яратиш каби ҳаётининг фаолиятларида муҳим омилдир. Шу ўринда инглиз олими Жон Локкнинг “Касбий фаолият учун, бахтли бўлиш учун бизга соғлиқ қанчалик керак, дунёда бирор аҳамиятли иш қилишни истаган ҳар бир одам учун қийинчилик ва чарчашни енгишга қодир бўлган мустаҳкам ирода қанчалик керак, бу шунчалик равшанки, уни исботлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ”[2] деган сермаъно сўзларини таъкидлаш жоиз.

Олимпизм инсонни жисмоний камолоти билан биргаликда унинг ахлоқий, маданий, маънавий тарбиясига ижобий таъсир этади. Ёшларда олимпизм ғоялари ватанга меҳр, юртга садоқат ўз устида ишлаш хис туйғуларини тарбиялайди. Профессинал боксда кўп мартаба жаҳон чемпиони Артур Григоряннинг биринчи ғалабасидан сўнг биринчи президентимиз уни қутлаб “Бизнинг ёшларимизни жисмонан чиниқтиришда уларни ватанпарварлик ва ўз ватани билан фахрланиш руҳида тарбиялашда сенинг ғалабанг муҳим аҳамиятга эга деган эди”[3]. Бу фикр ўз исботини топганини бугун дунё майдонларида ўз қобилиятларини намоён қилаётган минглаб ёшларимиз мисолида кўришимиз мумкин. Республикамизда олимпия харакатига кенг йўл очилиши натижасида ёшларимиз маънавий-ахлоқий дунёқарашида катта ўзгаришлар рўй берди.

Ёшларимиз турли иллатлардан, гуруҳбозликлардан, нопок йўллардан йироқ бўлган соғлом турмуш тарзини танлаш мақсадга мувофиқ эканлигини англаб етдилар. Шунинг учун ҳам хулоса ўрнида таъкидлашимиз лозимки, олимпизм ғояларини тарғибот ва ташвиқот қилиш нафақат спорт мутахассислари ёки спортга алоқадор кишиларнигина эмас, балки, ахлоқий ва маънавий етук соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи барчанинг ҳар кунлик доимий иши бўлиб қолаверади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. Олимпиада жаҳон спорти байрами шарқ нашриёти бош тахририяти. Тошкент-2008. 10-бет.
2. Жон Локк “Мысли о воспитании” М. “Педагогика” 1989 г., с 145

3. “Спорт”, 26 апрель 1996 йил.
4. 2. Жумаев У.Х. Туркистондаги назорат палатасининг фаолияти. ЎзМУ хабарлари, № 2. – Тошкент, 2010. 221-б.
5. Жумаев У.Х. Туркистондаги бож тўловлари. Тафаккур. Тошкент, 2010. – № 3. 123-б.
6. Жумаев У.Х. Олис ҳақиқатнинг равшанлашуви. Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – № 2. 63-б.
7. Маманов Ж. А., & Розиков, Ж. М. Миллий менталитетнинг ёшлар маданиятига таъсири. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 1), 2021. 170-178.
8. Маманов Ж. А. Маънавий маданият тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари. Қарақалпоқ давлат университетининг ахборотномаси. 2020. 137.
9. Маманов Ж. А. Young people are increasing a spiritual culture place of national mentality. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. 2020. 3203.
10. Маманов Ж. А. Ёшлар маънавий маданиятига таҳдид ёки мессионерликнинг салбий оқибатлари. ЎзМУ хабарномаси. 2018. 169.
11. Маманов Ж. А. Маънавий тарбия такомиллида спорт ва ахлоқий маданиятни уйғунлаштириш масаласи. Фан спортга. 2018. 76.